

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ШАРҚШУНОСЛИК УНИВЕРСИТЕТИНИНГ
ОДОБ-АХЛОҚ ҚОИДАЛАРИ**

Тошкент – 2021

Мазкур одоб-ахлоқ қоидалари университет Кенгашининг 2021 йил 28 январдаги 6-сонли йиғилиши қарори билан маъқуланган.



“Ёшларимизни мустақил фикрлайдиган, юксак интеллектуал ва маънавий салоҳиятга эга бўлиб, дунё миқёсида ўз тенгдошларига ҳеч қайси соҳада бўш келмайдиган инсонлар бўлиб камол топиши, бахтли бўлиши учун давлатимиз ва жамиятимизнинг бор қуч ва имкониятларини сафарбар этаверамиз”.

Ш.М.МИРЗИЁЕВ

ҲУРМАТЛИ ШАРҚШУНОСЛАР!

Сиз ўз олдингизга шарқшунослик илмини эгаллашдек олий мақсад қуйгансиз. Бу мақсад йўлида Сиздан:

- дунё талабларига жавоб бера оладиган, Шарқ ва Ғарб мамлакатлари тилларини мукамал билиш билан бир қаторда Яқин, Ўрта ва Узоқ Шарқ ҳамда Жанубий ва Марказий Осиё мамлакатлари маданияти, тарихи, фалсафаси, иқтисоди ва ижтимоий-сиёсий жараёнлари, халқаро сиёсати йўналишида чуқур билимларга эга бўлган, юксак мақсадларни олдига қўйган, ватанпарвар замонавий шарқшунос бўлишингиз;

- умумбашарий ва миллий қадриятларга, анъаналарга ҳурмат ва эҳтиром билан муносабатда бўлиб, ижтимоий ва маданий турли туман фарқларни бағрикенглик билан қабул қилишингиз;

- интеллектуал ва умуммаданий билимларни мукамаллаштириш ва ўз шахсиятингизни маънавий ва жисмоний такомиллаштиришга эришиш учун меҳнат қилишингиз;

- ахлоқий ва ҳуқуқий меъёрлар ва мажбуриятларни ҳисобга олган ҳолда мақсадга эришишга қатъиятликни кўрсата билишингиз;

- кенг қамровли билимларга эга бўлган, чет тилларини мукамал билган, хорижий мамлакатларда, хусусан, Шарқ мамлакатларида кечаётган ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маъданий ва тарихий жараёнлар билан шуғуллана оладиган, илмий салоҳияти юқори му- тахассис бўлишингиз;

- танлаган соҳага оид фан ва техниканинг энг сўнгги ютуқларини мукамал эгаллашингиз, глобал тармоқлардаги маълумотларни таҳлил қила олишингиз, бунда ўзингизнинг инсоний, ватанпарвар позициянгизни аниқ намоён қилишга тайёр тура олишингиз;

- жамиятда ва жамоада, ижтимоий ва хусусий аҳамиятга эга бўлган муаммоларнинг мазмун-моҳиятини тўлақонли англаш, тушуниш, таҳлил қилиш ва уларга ўзингизнинг шахсий муносабатингизни билдира олишингиз;

- жамоа аъзоси сифатида амал қилишингиз лозим бўлган ахлоқий ва ҳуқуқий меъёрларга ҳурмат билан қараш ва олдингизга қўйган мақсадга эришишда қатъиятли бўлишингиз, жамоа манфаатларини шахсий манфаатлардан устун қўйишингиз, эзгулик, яхшилик ва саҳоват ҳаётий қадриятингизга айлана олишига эришишингиз талаб этилади.

1-бўлим. Умумий қоидалар

1.1. Тошкент давлат шарқшунослик университетининг (бундан буён матнда “**Университет**” деб юритилади) одоб-ахлоқ қоидалари (бундан буён матнда “**Қоидалар**” деб юритилади) Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, “Ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида”ги, “Ёшларга оид давлат сиёсати самарадорлигини ошириш ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятини қўллаб-қувватлаш тўғрисида”ги ва “Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида”ги қонунлар, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 20 июнидаги 393-сонли Қарори билан тасдиқланган “Олий таълим муассасалари талабалари ўқишини кўчириш, қайта тиклаш ва ўқишдан четлаштириш тартиби тўғрисидаги Низом”, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 27 апрелидаги “Олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш талабалар ўқишини кўчириш, қайта тиклаш ва ўқишдан четлаштириш тартиби тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш тўғрисидаги 2017 йил 20 июндаги 393-сон қарорига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги” 360-сонли Қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йилнинг 16 апрель куни имзолаган “Шарқшунослик соҳасида кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш ва илмий салоҳиятни ошириш чоратадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4680-сон Қарори, Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 23 сентябрдаги ЎРҚ-637-сонли «Таълим тўғрисида»ги Қонуни, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг тегишли буйруқлари, университетнинг Устави, ички тартиб қоидалари ҳамда умумэтироф этилган маънавий ва ахлоқий тамойиллар асосида ишлаб чиқилган бўлиб, мазкур қоидаларни олий таълим муассасаларида жорий этиш Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2011 йил 27 июлда бўлиб ўтган Ҳайъат қарори асосида амалга оширилган.

1.2. Мазкур Қоидаларни шакллантиришда Ўзбекистон Республикаси таълимга оид қонун ҳужжатларида фуқароларга таълим, тарбия бериш, касб-ҳунар ўргатишнинг ҳуқуқий асосларини белгилашга ҳамда ҳар кимнинг билим олишдан иборат конституциявий ҳуқуқини таъминлашга, таълим олувчиларни маънавий-ахлоқий тарбиялашнинг ва маърифий ишларнинг самарали шакллари ҳамда услубларини ишлаб чиқиш ва жорий этишга қаратилганлиги сабабли университетнинг асосий вазифаси таълим ва тарбия беришдан иборат эканлиги назарда тутилган.

1.3. “Қоидалар” университетнинг маъмурияти, профессор-ўқитувчилари, ходимлари ва талабалари (**жамоа аъзолари**)нинг университетга оид ўзаро муносабатларидаги одоб-ахлоқ тамойиллари, риоя этишлари шарт бўлган ҳулқ-атвор қоидалари ва ҳуқуқ-мажбуриятларини белгилаб беради.

1.4. Талабалikka ва ишга қабул қилинаётган ҳар бир шахс “Қоидалар” билан танишиб чиқиши ҳамда унга риоя қилишини ўз зиммасига олиб имзо қўйиши шарт.

1.5. Университет жамоат, давлат ва нодавлат ташкилотлари, таълим ва илмий муассасалар, тадбиркорлик субъектлари, оммавий ахборот воситалари ҳамда талабаларнинг ота-оналари билан ўзаро муносабатларда “Қоидалар”даги нормаларга риоя этилишидан манфаатдордир.

1.6. “Қоидалар”га риоя қилиш университет жамоа аъзоларининг барчаси учун мажбурийдир.

2-бўлим. Мақсад ва вазифалар

2.1. “Қоидалар”нинг мақсади университет да соғлом маънавий ва ижтимоий-психологик муҳитни шакллантириш, унинг нуфузи ҳамда обрў-эътиборини ошириш, юксак маънавий ва ахлоқий талабларга жавоб берувчи юқори малакали кадрлар тайёрлашга кўмаклашиш, университетнинг жамиятдаги ҳамда таълим тизимидаги мавқеини янада оширишга хизмат қилишдан иборатдир.

2.2. “Қоидалар”нинг асосий вазифалари:

- юксак маънавий-ахлоқий фазилатларга эга, жамият, давлат ва оила олдида ўз масъулиятини ҳис этадиган, давлатнинг ички ва ташқи сиёсатини тўғри англайдиган ва уни

қўллаб-қувватлайдиган ватанпарвар ва халқпарвар, ташаббускор ва тадбиркор, замонавий билимлар билан қуролланган ҳамда юксак инсоний фазилатларга эга бўлган иродаси бақувват, иймони бутун ва виждони уйғоқ, жаҳолатга қарши маърифат билан курашишга қодир мутахассисларни тайёрлашга;

- университет жамоа аъзоларининг мафқуравий иммунитетини ўстириш ва ҳимоя қилишга;

- ёшлар орасида одоб-ахлоқни бузишга, шу жумладан зўравонлик, ҳаёсизлик ва шафқатсизликни ташвиқот қилишга қаратилган ҳар қандай хатти-ҳаракатларнинг олдини олиш, жумладан, ёшларни ичкиликбозлик ва гиёҳвандлик иллатларидан, бошқа турли ҳалокатли таҳдидлар ҳамда жамятимиз учун ёт бўлган диний ва экстремистик таъсирлардан, тубан “оммавий маданият” хуружларидан ҳимоя қилишга кўмаклашишдан иборат.

3-бўлим. Жамоа аъзоларининг одоб-ахлоқига оид умумий қоидалар

3.1. Университетда ҳамжихатлик, ўзаро ишонч, ҳурмат, бир-бирига **ғамхўрлик** қилиш ҳамда **аҳил-иноқлик** жамоа аъзоларининг ўзаро муносабатларидаги муҳим шартлардан биридир.

3.2. Университетда ўзаро муносабатларнинг асосий тамойили – бир шахснинг ҳуқуқи бошқа шахснинг ҳуқуқини **поймол** қилмаслиги лозим. Жамоа аъзоси бўлган университет раҳбарияти, профессор-ўқитувчилари ва талабаларининг **сўз эркинлиги** уларга бировга **туҳмат ёки ҳақорат** қилиш, ўзаро муносабатларда умумэътироф этилган **ахлоқ қоидаларини** намойишкорона **менсимаслик**, ўзаро мулоқотларда **беҳаё** сўзлардан фойдаланиш **ҳуқуқини бермайди**.

3.3. Университетда фақат ўзаро “Сиз” деб мурожаат қилиш одат тусига кириши лозим.

3.4. Университет жамоа аъзолари турли тадбирларда (мажлислар, тантанали йиғилишлар, амалий учрашувлар, байрамларда) сўзга чиқувчиларга нисбатан ҳурмат билан муносабатда бўлиш, осойишталик ва тинчликка риоя этиши шарт. Зарурат тақозо этса, бир нотик ўз сўзини тугатиб, бошқаси сўз бошлашига қадар юзага келадиган узилиш вақтида залдан чиқиб кетиш мумкин.

3.5. Биноларга кириш жойларида ҳамда лифт олдида тирбандлик юзага келса, талабалар профессор-ўқитувчилар ва ходимларни, эрақлар эса аёлларни ўзларидан олдин ўтказиб юборишлари лозим.

3.6. Бинога қираётган ҳар бир киши биноларга кириб-чиқишни назорат қилиш учун тайинланган масъул шахс ёки навбатчига ўз шахсини тасдиқловчи ҳужжатни очик ҳолда кўрсатиши шарт.

3.7. Жамоа аъзолари Университет ҳудудида йўлнинг ўнг томонидан юришлари керак. Бир-бирига дуч келганда албатта саломлашишлари, бунда: талабалар профессор-ўқитувчилар ва ходимларга, ёшлар катталарга биринчи бўлиб салом беришлари тавсия этилади.

3.8. Миллий ва умумбашарий қадриятларга хос бўлмаган ёки университетнинг ички муаммоларига таалуқли масалаларни Интернет тармоғига жойлаштириш ёки ундан турли мақсадлар йўлида фойдаланиш таъқиқланади.

3.9. Университет компьютерларида университетга тегишли бўлмаган маълумотларни, шунингдек, турли кинофильмлар, ноқонуний диний маълумотлар, беҳаё суратлар, миллий, ирқий, этник, диний адоватни тарғиб қилувчи ҳар қандай материалларни тайёрлаш, сақлаш, тарқатиш ва тарғиб этиш қатъиян ман этилади.

3.10. Ўқув ва масофавий таълим машғулотларига ва ишга ҳамда жамоа аъзоларининг осойишталигига ҳалақит берадиган хатти-ҳаракатлар (аудио қурилмалар, телевизор, магнитофон, планшет, телефон ва бошқа овоз кучайтириш воситаларидан мақсадсиз фойдаланиш) содир этиш таъқиқланади.

3.11. Университет жамоа аъзолари дарс машғулотлари ва ишга белгиланган кун тартибига кўра ўз вақтида келишлари шарт.

3.12. Университетда ҳар қандай ҳуқуқбузарлик содир этиш таъқиқланади, шу жумладан, тухмат қилиш, ҳақорат қилиш, жамоа аъзосига маънавий ёки моддий зарар етказиши мумкин бўлган маълумотни тарқатиш, тан жароҳати етказиш, тегажқлик қилиш, фуқоролик муомаласидан чиқарилган воситалар (гиёҳванд моддалар, психотропик воситалар ва ҳоказо), ичкиликбозлик, кашандалик, майший тинчликка тажовуз қилиш, жанжаллашиш, кимор ва тавақалчиликка асосланган бошқа ўйинлар ўйнаш қатъиян ман этилади.

4-бўлим. Университет жамоа аъзоларининг кийиниш маданиятига доир қоидалар

4.1. Ташқи кўриниш - инсонинг ким ва қандай эканлиги ҳақида дастлабки маълумотни берувчи, унинг турмуш тарзи ва ҳаётида муҳим аҳамиятга эга бўлган фаолияти эканлигини инобатга олган ҳолда университет жамоаси кийиниш маданиятига риоя қилиши лозим.

4.2. Жамоа аъзоларининг университетга меъёрий ҳужжатларда белгиланган тартибга ва университетнинг кириш жойларига илиб қўйилган намуналарга мос келмайдиган тарзда кийиниши таъқиқланади. Жамоа аъзолари университетга ораста бўлиб, давлат таълим муассасасига мос кийимда келиши шарт (кейинги бандларда кийиниш тартиби алоҳида баён қилинади).

4.3. Жамоа аъзоларининг университетга диққатни тортадиган, танани шаффоф кўрсатиб турадиган, елка, кўкрак ва қорин, шунингдек тиззадан юқори қисмлари очиқ қоладиган ҳамда ҳаддан зиёд тор кийимда ёки диний либосида, спорт кийимларида, металл занжирлар, тўғноғичлар, танага турли мунчоқлар қадаган, ғайриоддий соч турмаклари, ҳаддан ортиқча бўянган, соқол ўсиб, пала партиш ҳолатда бўлган ва паст савияли “оммавий маданият” белгиларини ўзида намоиш этган кийимларда келиши таъқиқланади.

4.4. Устки кийим бичими ортиқча безаклардан ҳоли, классик шаклдаги костюм, шим, юбка, блузка, кўйлак ва галстукдан иборат бўлиши шарт. Галстукнинг кенлиги ўртача, узунлиги камаргача бўлиб, ранги костюм ва кўйлакка мос танланиши керак. Костюм, шим, юбкалар қора, кулранг, кўк ранглардаги сидирға ёки чизикли классик матолардан, кўйлак ва блузка эса, оқ рангда бўлиши лозим. Юбканинг узунлиги тиззадан юқори бўлмаслиги керак.

4.5. Аксессуарлар (сумка, кўзойнак ва безаклар) ҳам корпоратив услубга мос ҳолда танланиши, ортиқча безаклардан ҳоли бўлиши, заргарлик тақинчоқлари (зирақ, узук, мунчоқ ва бошқалар) кўзга яққол ташланмайдиган, нозик, нафис ва сипо шаклда дид билан тақилиши лозим.

4.6. Талабалар ручка, қалам, китоб, дафтарлар солиб юриш мумкин бўлган, ранги устки кийимга ярашимли қора, кулранг, жигар рангдаги сумка-портфеллар тутишлари лозим.

4.7 Университет раҳбарияти, профессор-ўқитувчилар, ходимлар ва талабалар кийинишида маън қилинадиган ҳолатлар :

а) аёллар ва қизлар учун:

- узунлиги тиззадан тепа бўлган, шаффоф ва ялтироқ матоладан тикилган, бичими тор, баданга ёпишиб турадиган, кўкрак, қорин, елка қисми очиқ блузка ва кўйлақлар кийиш;

- безак сифатида маънавий-ахлоқий тарбияга мос келмайдиган ёзувлар, турли реклама маълумотлари, давлат рамзлари, зўравонлик, фахш элементларини тарғиб қилувчи расмлар ва ёзувлар акс этган, русум сифатида “йиртилган”, “титилган” ва жинси матосидан тикилган кийимларда юриш;

- спорт кийимлари, калта шим (жисмоний тарбия дарслари ва дарсдан сўнг талабалар турар жойи биноси, спорт майдончаларидан ташқари);

- ҳижоб ва бошқа диний маросим либосларида юриш;

- ўқув анжомларини рўзгор, бозор-ўчар учун мўлжалланган пакет-ҳалталарда солиб юриш;

б) эркеклар учун:

- бичими тор, ялтироқ, баданга ёпишиб турадиган ҳамда маънавий-ахлоқий тарбияга

мос келмайдиган ёзувлар, турли реклама маълумотлари, давлат рамзлари, зўравонлик, фахш элементларини тарғиб қилувчи расмлар ва ёзувлар акс этган, русум сифатида “йиртилган”, “титилган” ва жинси матосидан тикилган кийимларда юриш;

- муассаса ҳудудида спорт кийимлари, калта шимда юриш (жисмоний тарбия дарслари ва дарсдан сўнг ТТЖ биноси, спорт мажмуасидан ташқари);

- ўқув анжомларини рўзгор, бозор-ўчар учун мўлжалланган пакет-халталарда олиб юриш;

- соч, соқолларни ўстириб юриш;

4.8. Танага бодиарт услубида турли суратлар чиздирилган, татуаж ва пирсинглар туширилган ҳолатда университетга келиш маън этилади.

5-бўлим. Профессор-ўқитувчилар ва талабаларнинг таълим-тарбия жараёнидаги ўзаро муносабатлари

5.1. Профессор-ўқитувчилар ва талабаларнинг таълим-тарбия жараёнидаги ўзаро муносабатлари “Устоз-шогирд” миллий анъаналарига асосланади.

5.2. Профессор-ўқитувчи аудиторияга кирганида барча талабалар ўринларидан туриб саломлашишлари, сўнгра ва фақат ўқитувчининг рухсати билан ўз жойларини эгаллашлари лозим. Талабаларнинг дарсларга кечикиши қатъиян ман этилади. Кечиккан талабаларнинг дарсларга кириши фақатгина декан рухсати билан амалга оширилади.

5.3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 21 майдаги “Мобил телефонлардан фойдаланиш тартиби тўғрисида”ги 139-сон қарорига асосан дарс машғулоти вақтида уяли алоқа воситаларидан фойдаланиш барча учун қатъиян таъқиқланади.

5.4. Талаба ўзининг ножўя ҳаракатлари билан анъанавий ва масофавий дарс машғулоти халақит берса, профессор-ўқитувчилар юзага келган вазият ҳақида деканатни хабардор қилиб ва тегишли рухсат билан бундай талабани машғулотлардан четлатиши мумкин.

5.5. Профессор-ўқитувчи билан ўқув ва масофавий машғулотида ва ундан ташқари вақтда мулоқот қилиш зарурати бўлса, унда талаба қуйидагиларни аниқ билиши шарт:

-профессор-ўқитувчи талаба билан дарс жадвалига мувофиқ анъанавий ва онлайн машғулотларда, маслаҳат соатларида, мустақил ишларни топширишда, билимларини баҳолашда ёки ўзаро келишув бўйича белгиланган вақтда шуғулланишини;

-ўзи мулоқот қилмоқчи бўлган профессор-ўқитувчининг лавозими, исми, отасининг исми ва фамилиясини аниқ билиши ҳамда талаба турли рақамли платформалардан онлайн машғулотларга қатнашиш жараёнида ўз саҳифасида исми фамилиясини тўлиқ ёзиб қўйиши шарт.

5.6. Талаба олдиндан келишилмаган ёки қайта топшириш режасига мос бўлмаган ҳолда профессор-ўқитувчининг ҳузурига келса, умумий ёки ўзаро келишилган маслаҳат соатига кеч қолиб келган ёки келмаган бўлса, профессор-ўқитувчидан ҳатто қисқа вақт суҳбатлашишни талаб қилишга ҳам ҳақли эмас.

5.7. Талабалар профессор-ўқитувчини алмаштириш илтимоси билан раҳбариятга мурожаат қилишлари мумкин. Фақат бунинг учун жиддий сабаблар, масалан, кўполлик, таъмагирлик, профессор-ўқитувчининг айби билан машғулотлар белгиланган тартибда ўтказилмаслигини исботловчи далиллар ёзма равишда кўрсатилиши ва бу бўйича гуруҳнинг ягона фикри мавжуд бўлиши шарт.

5.8. Профессор-ўқитувчи билан талаба ўртасида уларнинг билимини баҳолашга доир зиддият келиб чиққан ҳолларда, талаба фанларни махсус комиссияга топшириш учун рухсат бериш илтимоси билан кафедра мудирига мурожаат этиши мумкин. Бунда мурожаат асосланган бўлиши шарт. Бундай масалалар кафедра мудирининг тақдимномасига биноан факультет декани томонидан ҳал этилади.

6-бўлим. Профессор-ўқитувчиларнинг ўзаро муносабатлари

6.1. Профессор-ўқитувчиларнинг ўзаро муносабатларида – ягона жамоа, ўзаро ҳурмат ва эътибор, дўстлик, ҳамжиҳатлик, ҳалоллик ва адолат тамойиллари амал қилиши лозим.

6.2. Профессор-ўқитувчилар муносабатларида инсон кадр-қимматига ҳурматсизлик қилиш, шахсиятини камситиш, ўзганинг интеллектуал мулкани ўзлаштириб олиш, қўполлик, беҳаё сўзлар ишлатиш, муштлашиш, ўзгаларга маънавий, моддий ёки жисмоний зиён етказиш қатъиян ман этилади.

7-бўлим. Талабаларнинг ўзаро муносабатлари

7.1. Талабаларнинг ўзаро муносабатларида – ягона жамоа, ўзаро ҳурмат ва эътибор, дўстлик, ҳамжиҳатлик, ҳалоллик ва адолат тамойиллари амал қилиши лозим.

7.2. Талабалар муносабатларида инсон кадр-қимматига ҳурматсизлик қилиш, шахсиятини камситиш, ўзганинг интеллектуал мулкани ўзлаштириб олиш, қўполлик, беҳаё сўзлар ишлатиш, муштлашиш, ўзгаларга маънавий, моддий ёки жисмоний зиён етказиш қатъиян ман этилади.

8-бўлим. Профессор-ўқитувчиларнинг одоб-ахлоққа оид мажбуриятлари

- дарс жараёнида талабаларга одоб-ахлоққа оид миллий анъаналаримиз, урф-одат ва кадриятларимизни тарғиб қилиш;

- ёшлар орасида соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, уларни ичкиликбозлик ва гиёҳвандлик иллатларидан, бошқа турли ҳалокатли таҳдидлар ҳамда биз учун ёт бўлган диний ва экстремистик таъсирлардан, тубан “оммавий маданият” хуружларидан огоҳ этиб бориш;

- турли миллатларга мансуб бўлган ҳамкасблари ва талабалари билан ўзаро муносабатда бағрикенглик, хушмуомилалик ва ўзаро ҳурмат тамойилларига амал қилиш;

- таълим олувчиларни маънавий-ахлоқий тарбиялашнинг ва маърифий ишларнинг самарали шакллари ҳамда услубларини ишлаб чиқишга кўмаклашиш;

- мазкур қоидалар билан белгиланган одоб-ахлоқ, кийиниш маданияти қоидаларига риоя қилишда талабаларга намуна бўлиш;

- мазкур қоидалар билан белгиланган одоб-ахлоқ, муомала, юриш-туриш, кийиниш маданияти қоидаларига риоя қилмаган талабаларни дарсдан четлатиш ҳақида деканатга билдиришнома бериш;

- университет манфаатларига зид бўлган хатти-ҳаракатлардан ўзларини тийиш, университет шаъни ва нуфузига доғ туширадиган ҳар қандай ҳолатларнинг олдини олиш;

- бирор-бир нохуш воқеа ёки ҳодиса рўй берса, зудлик билан маъмуриятга хабар бериш;

- университет тўғрисидаги ахборотлардан унинг манфаатлари ва обрўсига зиён етказиш учун ёки ғаразли мақсадларда фойдаланмаслик.

9-бўлим. Талабаларнинг одоб-ахлоққа оид мажбуриятлари

а) Университет ҳудудида:

- ҳудудга киришда талабалик гувоҳномасини кўрсатиб кириш;

- ҳудудни ифлос қилмаслик ва чиқиндиларни фақат чиқинди челақларига ташлаш;

- устозлар ва ўзларидан катталар билан дуч келганда салом бериш;

- ўқув машғулоти вақтида ҳудудда сабабсиз юрмаслик;

- университет мулкига эҳтиёткорона муносабатда бўлиш;

- кийиниш ва ўзаро суҳбат одобларига риоя қилиш;

- мутасаддиларнинг рухсатсиз турли реклама воситаларини осмаслик;

- университет ҳудудида тинчликка риоя қилиш;
- бинодаги лифтлардан фойдаланаётганда аввал ногиронлар, кексалар, хомиладорлар ва устоз-мураббийларга навбат бериш;

- наркотик ва психотроп моддалар, алкоголь ва тамаки маҳсулотлар истеъмол қилиниши ҳамда тарқатилишига қарши курашиш. Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ юқоридаги ҳолатлар ҳақида тегишли ташкилотларга ўз вақтида хабар бермаслик жавобгарликка сабаб бўлиши алоҳида қайд этилади.

- турли миллатларга мансуб бўлган устозлар ва мураббийлари, университетнинг барча ходимлари ҳамда барча талабалар билан ўзаро муносабатда бағрикенглик, хушмуомилалик ва ўзаро ҳурмат тамойилларига амал қилиш.

б) аудиторияда:

- уяли алоқа воситаларини ўчириб қўйиш;
- дарс вақтида гаплашмаслик;
- жиҳозларга эҳтиёткор муносабатда бўлиш, парталарга, деворларга ёзмаслик ва деворий лавҳаларга зарар етказмаслик (чизиш, бўяш ва йиртиш);
- қоғоз ва бошқа кераксиз нарсаларни қолдириб кетмаслик;
- овқат, ичимлик ва егуликларни олиб кирмаслик ва сақич чайнамаслик, уларни стол тағларига ёпиштирмаслик ёки ташлаб кетмаслик;
- дарсдан сўнг аудиторияни тозалаб чиқиб кетиш (доскаларни артиб, кераксиз қоғоз чиқиндилардан тозалаш).

в) умумий овқатланиш жойларида:

- таомларни олишда навбат тартибига риоя қилиш;
- тирбандлик ҳолатида устозлар, аёллар, ёши катталарга ҳурмат кўрсатиш;
- овқатланиш вақтида шовқин солмаслик;
- умумий овқатланиш шаҳобчасида таом ёйиш билан боғлиқ бўлмаган ишлар билан шуғулланиш;
- устозларга ажратилган овқатланиш жойларни банд қилмаслик.

г) ахборот ресурс марказида:

- АРМ ходимлари билан хушмуомалада бўлиш;
- АРМга фақат билим олиш, машғулотларга тайёргарлик кўриш учун кириш;
- китоблар ва жиҳозларга эҳтиёткорона муносабатда бўлиш;
- баланд овозда сўзлашмаслик ва атрофдагиларга халақит бермаслик;
- қоғоз, сақич ва бошқа чиқиндиларни қолдириб кетмаслик;
- китобларни олиш ва топшириш тартиб-қоидаларига риоя қилиш.

д) талабалар турар жойларида:

- мавжуд жиҳозларни асраш, уларга зарар етказмаслик;
- электр-энергияси ва сув ресурсларидан тежамкорона фойдаланиш;
- санитария ва гигиена қоидаларига амал қилиш;
- талабалар турар жойи “Низоми” ва “Ички тартиб қоидалари”га қатъи риоя қилиш.

е) спорт мажмуаларида:

- спорт мажмуасига хос бўлган кийим ва пойабзалларда кириш;
- спорт инвентарларига маданий муносабатда бўлиш;
- машғулотлардан кейин спорт инвентарларини белгиланган жойларга қайта топшириш;
- спорт мажмуасининг белгиланган тартиб-қоидаларига риоя қилиш.

ж) маданият саройи ва бошқа оммавий тадбирлар ўтказиш жойларида:

- ўриндиқ ва бошқа жиҳозларга нисбатан маданий муносабатда бўлиш;
- оммавий тадбирлар вақтида хуштак чалмаслик, бақирмаслик, тадбир тугашидан олдин сабабсиз чиқиб кетмаслик;
- ухлаб ўтирмаслик, ўриндиқларга ётиб олмаслик, бир-бири билан гаплашмаслик, ён атрофдагиларга халақит бермаслик.

Шунингдек,

- турли давраларда ўзининг намунавий хулқи ва билими билан университет ҳақида юксак ижобий таассурот ҳосил қилишга интилиш;
- доимо комилликка интилиш, ҳалоллик ва адолат билан ҳаёт кечириш каби олижаноб фазилатларни чуқур англаш;
- университет манфаати, унинг шаъни ва шонли анъаналари, обрўси ҳамда нуфузи тўғрисида қайғуриш, уларни сақлаб қолишга жонқуярлик қилиш ва уларга хурмат билан муносабатда бўлиш.

10-бўлим. Профессор-ўқитувчи ва талабаларнинг одоб-ахлоқ масаласида маън этиладиган ҳолатлар

Профессор-ўқитувчига:

- жамоа аъзоларининг шахсиятини ва кадр-қимматини камситиш, ўзгаларнинг шахсий ва оилавий муаммоларини муҳокама қилиш;
- жамоа аъзолари ва бошқалар устидан турли иғво, ғийбат ва бўҳтонлар уюштириш;
- талабалар билан ўз ҳамкасабларининг касбий ва шахсий камчиликларини муҳокама қилиш;
- талабаларни асоссиз ўқув машғулотлардан чиқариб юбориш;
- ўқув машғулотларида тижорат рекламаси ўтказиш;
- ўқув машғулотларида диний ташвиқот олиб бориш;
- ўқув машғулотларига маст, соч-соқол олинмаган ва кийиниш тартибига риоя қилмаган ҳолда келиш;
- университет ҳудудида шахсий автоуловни ўрнатилган қоидаларни бузган ҳолда қолдириш;
- университет ҳудудида спиртли ичимликлар ичиш ва чекиш, наркотик воситалар ёки психотроп моддалар истеъмол қилиш;
- кийиниш одобига риоя қилмаслик.

Талабага:

- профессор-ўқитувчиларга қўполлик қилиш, машғулотлар вақтида асоссиз гапириш;
- профессор-ўқитувчи билан бошқаларнинг баҳосини муҳокама қилиш;
- ёлгон гапириш, фирромлик ёки профессор-ўқитувчиларни чалғитиш билан боғлиқ ҳар қандай хатти-ҳаракатлар қилиш;
- ходимлар ва ўз ўртоқларига нисбатан хурматсизлик қилиш;
- ёзма ишларни ҳимоя қилиш ва синов даврида четдан ёрдам олиш, ўзгаларга ёрдам кўрсатиш;
- бошқа шахслар томонидан тайёрланган топшириқлар ёки ёзма ишларни ўз номидан топшириш;
- машғулотларни ўтказиб юбориш ёки кечикиб келиш;
- машғулотлар вақтида профессор-ўқитувчининг рухсатсиз аудиториядан чиқиб кетиш;
- бошқа талабанинг саъй-ҳаракатларига қасддан зиён етказиш;
- моддий жиҳатдан яхши таъминланганлигини турли йўллар билан кўз-кўз қилиш;
- университет ҳудудида шахсий автоуловни ўрнатилган қоидаларни бузган ҳолда қолдириш;
- университет ҳудудида спиртли ичимликлар ичиш ва чекиш, наркотик воситалар ёки психотроп дори воситалари истеъмол қилиш.

11-бўлим. Маъмурият, профессор-ўқитувчилар ва ходимлар ўртасидаги одоб-ахлоққа оид муносабатлар

11.1. Маъмурият, профессор-ўқитувчилар ва ходимлар ўртасидаги муносабатлар, ўзаро хурмат, аҳиллик, меҳнатсеварлик, бағрикенглик, инсонпарварлик, ғамхўрлик ва адолат тамоилларига асосланади.

11.2. Маъмурият, профессор-ўқитувчилар ва ходимларнинг иш фаолиятига доир масалалар бўйича ҳамкорлик қилишида бир тарафнинг бошқа тарафга тазйиқ ўтказишига ёки унга ҳаракат қилишига, шунингдек адолат тамоилларига ва ОТМ манфаатларига зид бўлган қарорлар тайёрланишига йўл қўймайди.

11.3. Лавозим даражалари тенг бўлган ходимлар ўртасидаги муаммоларни ишчи тартибда ҳал этиш тавсия этилади. Лавозим даражалари тенг бўлган ходимларнинг иш жараёнидаги турли муаммоларни ўз ваколатлари доирасида, маъмуриятни жалб этмаган ҳолда ҳал этишлари маъқулланади.

11.4. Жамоада бирор бир масала билан маъмуриятга мурожаат қилиш тартиби субординация тамойили асосида ташкил этилади.

11.5. Профессор-ўқитувчи ва ходимнинг университетда маънавий-ахлоқий муҳитни янада яхшилаш бўйича ташаббус ва ғоялари рағбатлантирилади.

11.6. Маъмурият профессор-ўқитувчилар ва ходимларнинг касбий ва интеллектуал жиҳатдан ривожланишлари учун қулай иш жойи, замонавий компьютерлар, интернет тармоғидан, кутубхона фонди ва ахборот ресурсларидан эркин фойдаланиш шунингдек ҳордиқ чиқаришлари, дам олишлари, жисмонан чиникишлари учун барча имтиёзларни яратиб беради.

12-бўлим. Рағбатлантириш ва чора кўриш тартиби

12.1. Ўқув йили давомида мазкур “Қоидалар”га тўла риоя қилган, университетда юксак маънавий-ахлоқий муҳитнинг янада қарор топишига ва мустаҳкамланишига хизмат қилган жамоа аъзолари факультет деканлари, кафедра мудирлари ва бўлим бошлиқлари тавсиясига биноан тегишли тартибда моддий ёки маънавий рағбатлантирилади.

12.2. Жамоа аъзолари ушбу “Қоидалар”ни бузганларида университет ички тартиб қоидаларининг “Интизомий таъсир чоралари” бўлимида келтирилган ҳолатлар бўйича белгиланган тартибда чоралар кўрилади.

Шунингдек, жамоа аъзосининг хулқ-атвори устидан жамоат назоратини таъминлаш мақсадида, мазкур қоидаларга риоя этилмаганлиги ҳолатлари университетдаги Касаба уюшма кўмитаси, “Ёшлар иттифоқи” БТ, Хотин-қизлар ва “Ота-оналар” Кенгашларида ҳам муҳокама қилиниши ва уларнинг қарорига биноан жамоа аъзосининг хулқ-атвори тўғрисида у яшаб турган маҳалла фуқаролар йиғинига маълумот тариқасида ёзма хабар юбориш амалиёти ҳам жорий этилилади.

13-бўлим. Яқунловчи қоидалар

13.1. Мазкур одоб-ахлоқ қоидалари университет Кенгашининг 2021 йил 28 январдаги 6 -сонли йиғилиши қарори билан маъқулланган.

13.2. Талабалikka ёки ишга қабул қилинаётган ҳар бир шахс ушбу Қоидалар билан танишиб чиқиши ҳамда унга риоя қилишини ўз зиммасига олиб имзо қўйиши шарт.

**МИНИСТЕРСТВО ВЫСШЕГО И СРЕДНЕГО
СПЕЦИАЛЬНОГО ОБРАЗОВАНИЯ
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН**

**ПРАВИЛА ЭТИКЕТА
И НОРМЫ ПОВЕДЕНИЯ
В ТАШКЕНТСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ
УНИВЕРСИТЕТЕ ВОСТОКОВЕДЕНИЯ**

Ташкент – 2021

Настоящие правила одобрены решением заседания № 6 Учёного Совета ТГУВ от 28 января 2021 года.



Мы мобилизуем все силы и возможности нашего государства и общества для того, чтобы наша молодежь выросла свободомыслящей, с высоким интеллектуальным и духовным потенциалом, счастливой и ни в чем не уступающей своим зарубежным сверстникам.

Ш.М.МИРЗИЁЕВ

УВАЖАЕМЫЕ ВОСТОКОВЕДЫ!

Вы поставили перед собой такую прекрасную цель - постичь науку востоковедения. Для достижения этой цели от Вас требуется:

- стать современным востоковедом с настоящим чувством патриотизма, специалистом высокой квалификации, отвечающим требованиям мирового уровня, владеющим в совершенстве восточными и западными языками, глубоко знающим культуру, историю, философию, экономику, социально-политические процессы и международную политику стран Ближнего, Среднего и Дальнего Востока, Южной и Центральной Азии;

- с уважением относиться к общечеловеческим и национальным ценностям, историческому наследию и культурным традициям других народов и толерантно воспринимать социальные и культурные различия;

- постоянно работать над собой для повышения степени интеллектуального и общекультурного совершенствования, духовного, физического развития и гармонизации личности;

- показывать свою целеустремленность с учетом нравственных и правовых норм и обязанностей;

- в совершенстве овладеть достижениями науки и техники в избранной Вами сфере, уметь анализировать сведения, представленные в глобальных компьютерных сетях, быть готовыми при этом к проявлению своей гуманной и патриотической позиции;

- полноценно осознавать, понимать и уметь анализировать, а также выражать свою точку зрения к сути и содержанию проблем социума и коллектива, имеющих общественное и частное значение;

